

Бу ерда сизнинг
рекламангиз бўлиши

мумкин



РАҲБАРЛАР, ИҚТИСОДЧИЛАР,
ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР
ДИҚҚАТИГА!

“Biznes-Эксперт” журналига йил давомида обуна бўлиш мумкин.
Намунга обунани расмийлаштиришга,
Сиз ишонгли эксперт ахборотига эга бўласиз.

Журналга “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Matbuot targatuvchi” АЖ
ва бошқа обуна агентликлари орқали обуна бўлиш мумкин.

Ундан ташқари Сиз обуна шартномасини туғридан-туғри
“Бизнес-Daily Медиа” Ноширлик уйи МЧЖ билан ҳам
расмийлаштиришингиз мумкин. Обуна индекси — 1169.

Қушимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 259-21-96, 259-22-06.

Biznes-Эксперт

№ 2, 2016

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОЎЗГАР

ИДРИЙ АМАЛИЯТ

УШБУ СОҲ МАҚСУСИ:

Давлат бюджети даромадларини
шакллантиришда солиқ
тушумларининг таҳлили 11

ТЕМА НОМЕРА:

Правильная организация деятельности
ревизионной комиссии — залог
эффективного контроля над
акционерным предприятием 66

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНС

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

25

Меҳнат бозорига ишчи қўчага талаб ва тақлифнинг тартибга солиш механизмлари

42

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ривожланиш жараёнида давлатнинг роли

Динамика мировых тенденций развития сектора информационно-коммуникационных технологий в условиях глобализации

69

Формирование доходов и потребления населения

52

ВНИМАНИЕ!
Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Мундарижа

Бозор тамойналари

Шахноза ЭРГАШХОДЖАЕВА, Рустам ТОШМАТОВ. Мулк ҳуқуқи алмашинуви трансакция шартномалари мониторингини ташкил этиш ва юриктишнинг илмий-услубий жиҳатлари 3

Вазиятга назар

Динора ИШМАНОВА. Ўзбекистонда нефть-газ соҳасидаги ислохотлар ва уни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни 8

Кун мавзуси

Шавкат ДЖУМАНИЯЗОВ, Гулом ЭРНАЗАРОВ. Давлат бюджети дароматларини шакллантиришда солиқ тушумларининг таҳлили 11

Таққос ва таҳлил

Шоҳиста МУРАТОВА. Саноат иқтисодиётини иқтисодий-экологик ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари 18

Аграр соҳа

Шавкат ҲАСАНОВ. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда фермерлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш имкониятлари 22

Бандалик

Уткиржон АЛИЖОНОВ. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва тақлифни тартибга солиш механизмлари 25

Амалиёт

Б.САНАКУЛОВА, Г.ХАЛИКУЛОВА, Г.БАДАЛОВА. Аграр секторни сугурталаш: мулкий манфаатлар уйғунлиги 28

Жараён

Б.Ю.МЕНГЛИКУЛОВ. Чорвачилиқда харажатлар аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш 31

Соҳа тараққиёти

Ҳайдар ҚУВНАҚОВ, Мадина АБДУЛЛАЕВА. Истеъмол бозорида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни индикатив режалаштириш 36

Долзарб мавзу

Меҳри ВОҲИДОВА. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ривожланиш жараёнида давлатнинг роли 42

Тараққиёт оидмлари

Халықназар ҚАЛИМБЕТОВ, Бибисара ЕРЕЖЕПОВА, Баҳыт ИСМАЙЛОВ. Фермер хўжалиқларида қўшимча тармоқларни ривожлантиришга ундовчи хусусиятлар 45

Стратегия

Барно ШАКИРОВА. Банкларнинг узоқ муддатли ресурсларининг назарий ва амалий жиҳатлари 48

Содержание

Актуальная тема

А.М. КАДЫРОВ, А.Т. АХМЕДИЕВА. Динамика мировых тенденций развития сектора информационно-коммуникационных технологий в условиях глобализации 52

Аналитика

Аркадий МАТЯШИН. Как конструировать фьючерсный контракт 58

Рыночные исследования

Наргизахон ШАМШИЕВА. Стратегия инновационного развития высших учебных заведений в условиях интеграции «вуз-производство» 63

Капитал

Бекзод МАХМУДОВ. Правильная организация деятельности ревизионной комиссии – залог эффективного контроля над акционерным предприятием 66

Развитие

Юлдуз САЛИМОВА. Формирование доходов и потребления населения 69

Тема дня

Шоҳиста МУРАТОВА. Принципы экономико-экологического развития топливно-энергетического комплекса при добыче топливно-минеральных ресурсов 72

ИКТ

Шахноза АВЕЗОВА. Организационно-экономические механизмы формирования рынка информационных услуг 76

Реформа

Гавхар ХАМДАМОВА, Азамат МАТЧАНОВ. Роль и значение малого инновационного предпринимательства в реализации стратегии развития страны 81

Агро сектор

Шерзодбек МУРОДОВ. Развитие агропромышленных предприятий в условиях инновационных изменений агропромышленного комплекса Республики Узбекистан 84

Взгляд

С. КАСЫМОВ. Стратегия развития интеграционных корпоративных структур по производству хлопковой продукции 89

Аграр секторни суғурталаш: мулкый манфаатлар уйғунлиги

Б.САНАКУЛОВА, и.ф.н.
Г.ХАЛИКУЛОВА, кат.уқ.
Г.БАДАЛОВА, асс.ТМИ.

Мустақиллик йилларида аграр сектор субъектларининг мулкый манфаатларини суғурталаш борасида муайян тажриба орттирилди. Хусусан, суғурта уларнинг табиий офатлар натижасида кўрган зарарларини қоплашда ва шу орқали молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Шу муносабат билан таъкидлаш зарурки, республика ҳукумати иқтисодий ривожланишда, жумладан, аграр секторни ривожланишида суғуртанинг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда мазкур соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда аграр секторни суғурталаш амалиёти ёритилган, чет эл тажрибаси таҳлил қилинган ва шундан келиб чиқиб такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

В статье рассматривается страхование аграрного сектора в стране, сделан анализ зарубежных стран и на их основе разработаны предложения по их усовершенствованию.

The article discusses the insurance of the agricultural sector in the country, made an analysis of foreign countries and on their basis proposals for their improvement.

Аграр секторда товар ишлаб чиқарувчиларини суғурталашнинг куйидаги замонавий турларини жорий этиш орқали мақсадга эришилади: йирик шохли қорамолларни, қишлоқ хўжалик техникасини ва шахсий суғурта турларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш; халқаро амалиётга мувофиқ транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини суғурта қилиш; иш берувчиларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш. Аграр сектор товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини тўлароқ суғурта ҳимоясига олиш, ўз навбатида, янгидан-янги суғурта турларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бунда ихтиёрий суғуртанинг янги турларини

ишлаб чиқишга, мавжۇлларини эса такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Аграр сектор субъектларининг мулкый манфаатларини суғурталашнинг ҳозирги ҳолагини таҳлили ҳали бу йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмаслигини, уларнинг аксарияти суғурта ҳимоясидан четда қолганлигини кўрсатди.

Шу уринда таъкидлаш керакки, айрим МДХ мамлакатларида аграр сектор суғуртаси мажбурий шаклда амалга оширилади. Масалан, Қозоғистон Республикасида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили, кўп йиллик экинлар, чорва моллари ва асосий воситаларни ноқулай табиий-иқлим шароитлари ва

Калит сўзлар: суғурта, жавобгарлик суғуртаси, аграр сектор субъектлари, мулкый манфаатларини суғурталаш.

бошқа стихияли ҳодисалардан мажбурий сугуртаси жорий этилган. Юқоридагиларни инobatга олиб ва аграр сектор субъектларининг сугурта ҳимоясига тўлиқроқ қамраб олишни таъминлаш мақсадида экинлар ҳосили, асосий воситалари ва чорва молларини мажбурий сугурталашни жорий этишни таклиф этамиз.

Аграр соҳа устувор бўлган аксарият тараққий этган давлатларда аграр сектор сугуртаси мажбурий тусда бўлмаса-да, бу жараёнда ҳукумат фаол иштирок этади, фермер ва деҳқон ҳўжалиklarини сугуртага бўлган қизиқишини рағбатлантиради. Масалан, Канадада қишлоқ ҳўжалиги ҳосилини сугурталаш бўйича 3 та дастур мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

CI (Crop Insurance Program) – ҳосилларни сугурталаш дастури;

NISA (Net Income Stabilization Account) – даромадларни барқарорлаштирувчи фонд;

AIDA (Agricultural Income Disaster Assistance) – стихияли ҳодисалар рўй берганда кўмак бериш дастури.

Бундан ташқари, ҳар бир провинцияда ҳудудий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, ҳосилларни сугурта қилиш бўйича минтақавий дастурлар ишлаб чиқилган. Шуниси диққатга сазоварки, Канадада қишлоқ ҳўжалиги ҳосилини сугурта қилиш 1939 йилда жорий этилган бўлиб, унинг асосий принциплари бугунги кунда мавжуд бўлган фермерларни қўллаб-қувватлаш Федерал дастурининг асосини ташкил этади. Ушбу дастур доирасида фермерлар бир қатор табиий ҳодисалар, жумладан, қурғоқчилик, сув тошқини, дўл, совуқ уриши, ортиқча намланиш, ўсимлик зараркунандалари натижасида келтирилган зарарлар учун қолламалар олади. Агар, фермер сугурта шартномасида кўрсатилган миқдордан кам ҳосил оладиган бўлса, унинг фарқи сугурта ташкилоти томонидан қоплаб берилади. Иқтисодчи А.С.Елкинанинг қайд этишича: “Бу дастур бўйича тўланадиган энг катта қоплама миқдори ўртача ҳосилнинг 80 фоизини ташкил этади” [1]. Ҳозирги пайтда Федерал ва провинция ҳукуматлари сугурта мукофотларининг 25 фоизини ва сугурта ташкилотлари маъмурий харажатларининг 50 фоизини субсидия шаклида тўлайдилар. NISA дастури 1991 йилда ишлаб чиқилган ва у ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини узок муддат мобайнида барқарор бўлишини таъмин-

лашга хизмат қилади. Бу дастурга кўра, фермерлар ҳар йили тегишли пул маблағларини NISA ҳисоб рақамига ўтказиши лозим. Уз навбатида, давлат ҳам тенг улушдаги маблағни депозит ҳисоб рақамига ўтказади. Ишлаб чиқарувчининг даромади, баъзи йиллари, белгиланган меъёрдан пасайиб кетса, у даромадларни барқарорлаштириш фондидан фойдаланиши мумкин.

AIDA (Agricultural Income Disaster Assistance) – стихияли ҳодисалар рўй берганда кўмак бериш дастури, қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига уларнинг назоратидан ташқарида бўлган рискларнинг рўй бериши натижасида даромадлари кескин камайиб кетганда ва бу даромадларни олдинги дастурлар доирасида қоплашни иложи бўлмаган ҳолда кўмак бериш учун ташкил этилган. Дастур 1998 йилда тузилган бўлиб, уни амалга ошириш учун ажратилган субсидияларнинг 60 фоизи Федерал ҳукумат, 40 фоизи эса маҳаллий ҳокимият ҳиссасига тўғри келади [2]. Назаримизда, мамлакатимиз иқтисодиётида аграр тармоқнинг етакчилик ролини ҳисобга олган ҳолда чет давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, аграр сектор субъектларининг манфаатларини сугуртага олишга қаратилган умумдавлат дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, фермер ва деҳқон ҳўжалиklarининг мулкий манфаатларини сугурталашни ривожлантириш қуйидаги икки та йўналишда амалга оширилиши лозим: сугуртанинг янги турларини жорий этиш; амалдаги сугурта турларини такомиллаштириш. Ҳозирги пайтда қишлоқ ҳўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатига тўғри келадиган ноанъанавий сугурта турлари мавжуд эмас. Ваҳоланки, тармоқда сугуртанинг янги турларини жорий этиш, қишлоқ ҳўжалик соҳасини тараққий этишида муҳим омил бўлади.

Фермер ва деҳқон ҳўжалиklarининг учинчи шахсларга зарар етказиш бўйича жавобгарлигини сугурталаш ҳақида гапирганда, биринчи галда, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сифати учун ишлаб чиқарувчиларининг жавобгарлигини сугурта қилишни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш лозим. Ноанъанавий жавобгарлик сугуртасининг бу турини, кўпроқ, пахтачилик ва галлачиликка нисбатан, чорвачилик ҳамда мева-сабзавот ва полиз маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларига тадбиқ этиш ўринлидир. Мазкур сугурта тури, ҳозирги пайтда умуман, амалиётга жорий